



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА № 181 (676). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.



БУГУН ҚАДИМИЙ БУХОРОДА БУЮК АЛЛОМА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР ОЧИЛАДИ

БУ ТҮЙ НАФАҚАТ ЎЗБЕК ХАЛҚИ, БАЛКИ БУТУН МУСУЛМОН ОЛАМИ УЧУН ҲАМ ҚУТЛУҒДИР!



1992 йилнинг октябры ойида Ватанимизга ташриф буюрган Финляндия Президенти Мауно Койвиста Президентимиз Ислом Каримов ҳамроҳлигида Бухоро шаҳрида бўлган. Айни ўша дамларда юртбошимиз Бухоро вилояти ҳокими Д. Едгоров билан мамлакатимиздаги энг муқаддас қадимжолардан бири — Баҳоуддин Нақшбанд тарихий ёдгорлигини зиёрат қилиб, масжид имом хатиби (ҳозирда Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси раиси, муфтий) Мухторжон Ҳожи Абдулло фули билан учрашган эдилар. Шу учрашув чоғида

Президентимиз буюк мутасаввуф олим, Баҳоуддин Нақшбанд юбилейини ўтказиш, у мутарам хотини ҳаёти ва маънавий мероси билан боғлиқ тарихий обидаларни тиклаш ва Нақшбанд таълимоти кенг тартиб қилиш ҳақида гапирган эдилар. Орадан бир йилга яқин вақт ўтган ўшандаги барча қутлуғ ниятлар ўз ижобатини топди. Бугун бутун Ўзбекистон ва мусулмон дунёси улуғ ватандошимиз таваллудини 675 йиллигини катта тўй тантана қилимоқда. [Ушбу сурат 1992 йилнинг 2 октябры кунин олинган].

Дамир ЕДГОРОВ,

Бухоро вилояти ҳокими, Баҳоуддин Нақшбанд юбилейини ўтказиш республика комиссиясининг аъзоси

ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ МЕҲМОНЛАР!

Нақшбандия тариқатини, Ислом дини соғлиғи йўлида хизмат қилувчи таълимотни яратган алломанинг бебаҳо олимлари, миллий қадриятларимизни оёқ ости қилишга, бизни ўзинимиздан, гуруримиздан жудо қилишга урнишлар 70 йил давом этган тоталитар ҳуқуқронлик даврида жуда кўп бўлди.

Евуз. атеистик сиёсат туфайли Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳига қулф солинди, у вайронага айлантирилди. Биз фақат Ўзбекистон Мустақил-

лиги, республикамиз Президентини Ислом Каримовнинг доносисёти туфайлигина динимизга, иймонимизга қайтдик, ота-боболаримизнинг пурқикмат меросини ўрганиш бахтига муассар бўлди. Озодликка чиққан Ўзбекистонимизни бутун дунё танияпти. Республикаимиз ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлидан дадил бормоқда.

Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик тўйи нафақат бухороликлар учун, балки бутун ўзбек халқи, мусулмон олами учун гоят қутлуғ санага айланди. Қўлгина меҳнат жамоалари, фуқаролар, республи-

ликаимиз вилоятлари ҳокимликлари, Туркия, Саудия Арабистони каби мамлакатларнинг ишбилармонлари Баҳоуддин Нақшбанд меъморий комплексини таъмирлаш учун банкдаги махсус ҳисобга маблағлар ўтказишди. Шу босидан ҳам қисқа давр ичида бу зиёратгоҳда 1 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Энг аввало меъморий комплексдаги Баҳоуддин Нақшбанд даҳмаси, бу ердаги «Ҳаким Қўшбег» масжиди, «Сақоҳона» жомеъ масжиди, XVIII аср бошларида барпо этилган минора қайтадан таъмирланди.

Меъморий комплексдаги асосий бинолардан бири бўлган хонақоҳни таъмирлаш осон кечмади. Чунки бу бинонинг гоят мураккаб меъморий лойиҳа асосида қурилган гўмбазли дарз кетиб, қулаш ҳолатида эди. Таъмирлашга ихтисослашган илмий-лойиҳалаш институтлари иншоотнинг аниқ лойиҳаси бўлмагани сабабли

(Давоми 2-бетда).

БИЗНИ ЖАҲОН ҚУТЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУХТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОВИ ОЛИИЛАРИГА

Ўзбекистон мустақиллиги ўзлон қилинганнинг икки йиллиги муносабати билан Сизга шахсан ўз номимдан ва немис халқи номидан мамлакатининг бундан кейин ҳам гуллаб-яшнаши ва халқининг келажаги порлоқ бўлишини тилаб, самимий қутловларимни йўллайман.

Ўзбекистон мустақиллика эришганидан кейин ўтган икки йил мобайнида мамлакатларимиз ўртасида кўп соҳаларда ҳамкорлик бошланди ва муваффақият билан давом этмоқда. Бунга Сизнинг Германия Федератив Республикасига қилган ташрифингиз ва бу ташриф чоғида ўрнатилган алоқалар омил бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар халқларимиз фаровонлиги йўлида бундан кейин ҳам тараққий этишига ишончим комил. Шу муносабат билан мамлакатинингизнинг Европада ҳафсизлиги ва ҳамкорлик кенгаши ишида фаол қатнашиш истagini қўтлайман ва қўллаб-қувватлайман.

Рихард Фон Вайцеккер, Германия Федератив Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУХТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОВИ ОЛИИЛАРИГА

Президент Жаноблари, Миллий байрамларининг муносабати билан Сизга энг эзгу тилакларимиз изҳор этишдан бахтиёрман. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч ва дўстлик алоқалари боғланган. Бизнинг бўлажак учрашувимиз бу алоқаларни янада мустаҳкамлашга ва Франция—Ўзбекистон муносабатларида муҳим воқеа бўлишига ишончим комил.

Ушбу қутловни Сизга бўлган юксак ҳурматим ифодаси деб билгaysиз, Президент Жаноблари, Франсуа Миттеран, Франция Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОВИ ОЛИИЛАРИГА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунин — миллий байрамларининг муносабати билан Мексика халқи ва ҳукумати номидан энг самимий қутловларимиз изҳор этишга ижозат бергайсиз. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига ва бағри кенг ўзбек халқига сўҳат-саломатлик, шод-хушрамлиқ, фаровонлик тилайман.

Мексика Қўшма Штатлари Президенти, Карлос Салинас Де Гортари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МУХТАРАМ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОВИ ОЛИИЛАРИГА

Жаноби олийлари, Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами — давлат мустақиллиги кунинда Сизга ва ўзбек халқига энг самимий қутловларимизни йўллаш менга алоҳида манунит бахш этди. Бундан бўён мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун барча имкониятлар борлигига ишончим комил. Улкан миллий байрамларининг муносабати билан сизнинг янги демократик ва эркин жамият қуришдаги фаолиятингизга катта муваффақият, ўзбек халқига эса бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Ион Илиеску, Руминия Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОВЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги кунин муносабати билан энг самимий қутловларимизни қабул қилгайсиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар болтар ва ўзбек халқларининг фаровон турмуш кечириши учун муҳим омил бўлишига ишончим комил. Сизга сўҳат-саломатлик ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Жельо Желев, Болгария Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ҚАРШИҚУРИЛИШ»

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚУРИЛИШ БИРЛАШМАСИНИНГ АЛОҲИДА УРНАК КУРСАТГАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ ТҒҒРИСИДА

Кўп йил ҳалол меҳнат қилгани, капитал қурилиш ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этгани учун қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвони берилсин:

Андреев Сергей Алексанрович — «Қаршиқуриш» таърифта қарашли 28-механизмлашган кўча колоннанинг қувур ётиқувчи чилангари

Хайдаров Курбон — «Гидрострой» таърифта қарашли 12-механизмлашган кўча колоннанинг гишт терувчиси

ҚУНИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЕРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ:

Возоров Жамол — «Гидрострой» таърифта қарашли 12-механизмлашган кўча колоннанинг гишт терувчиси

Эргашев Тоир — «Қаршиқуриш» бирлашмасининг бош муҳандиси.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 15 сентябрь.

СОБИҚ БУХОРО АМИРИ САЙИД ОЛИМХОННИНГ ФАРЗАНДЛАРИГА

Мухтарам ватандошлар! Ўзбекистон Жумҳуриясининг икки йиллик тўйи муносабати билан йўллаган табрикномангиз учун чин дилдан ташаккур изҳор этмаман.

Ватанга фарзандлик соғинчи ва эҳтиромни ила йўллаган мактубингизда зикр этилган бир сана — 1920 йилнинг 1 сентябрыда Бухоро давлатининг маъв этилгани ҳақидаги эскертиш бизни айниқса ўйга толдириди.

Яратганининг қаромати ва адолатини қарагинки, орадан 71 йил ўтиб, кўҳна ва жа-

фоқаш Ватанимизда янги, Мустақил давлат — Ўзбекистон Жумҳурияси қад кўтарди. Бу шонли воқеа, сизлар гоят ўринли таъкидлаганингиздек, асл томири Туркистонда унган халқ учун тарихий, асрий орзулар ушлаган кундир.

Хориждаги барча ватандошларимизни яна бир қарра Озодлик байрами билан қўллашга ижозат бергайсизлар. Юртимиз дарвозалари сизлар учун ҳамича очик. Барчангизнинг ишларингизга рилож, умрингизга бағишга, хонадонларингизга тинчлик-омонлик тилайман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ИСЛОМ КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТВУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТҒҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

Ўзбекистон Республикаси матвуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини эътиб 27 июнь белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил 3 сентябрь.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

15 сентябрь кунин Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов доктор Эрнст Пипер бошчилигидаги Германия иқтисодийнинг Шарқий-Европа мамлакатлари кўмитаси делегациясини қабул қилди.

— Мен Сиз билан Германияда бўлган учрашувларимни жуда яхши эслайман, — деди Ўзбекистон раҳбари. — Юртимизга ташрифингиздан гоят хурсандман. Республикаимизда амалга оширилган тўб ислохотлар, юз бераётган ўзгаришлар Сизга яхши маълум. Ички имкониятларимиз, хомаш бойликлариимиз ҳам сир эмас. Жаҳондаги қўллаб-қувватлаш билан ҳамкорлик қилишга интилоқдалар. Бу борада Германия ишбилармонлари амалга ошираётган ишларини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Биз барча соҳаларда имзоланган битим ва шартномаларга ҳуқуқмат томонидан қатъий берамиз. Рангил металллар, нефть ва газ олиш ҳамда қайта ишлаш, телекоммуникация, енгил саноат ва савдо, тайёраҳоқлар қуриш соҳаларида ҳамкорлик лойиҳаларини қўриб чиқишга, уларни амалиётга татбиқ этишга тайёрмиз.

Эрнст Пипер делегация аъзолари номидан самимий қабул ва Ўзбекистон ҳаёти билан яқиндан танишиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик изҳор қилди. Германия ва Ўзбекистон ўртасидаги амалий ҳамкорлик икки халқ манфаати йўлида ривожланаверади деб, умид билдирди.

Қабул маросимыда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари У. Султонов, Қ. Ҳаққулов, Б. Ҳамидов, Германиянинг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Карл Хайнц Куна иштирок этдилар. (ҒаА).

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сузи" на ўзА мухбирлари хабар қилишлар

ИЛМ БЕРАДИ, КАСБ УРГАТАДИ

Ш. РАШИДОВ ТУМАНИ. IX синфни битирганларга дунер ўргатадиган мактеб очилди.

БИРИНЧИ мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати қошида ташкил этилган масканга ўқувчилар тест усулида имтиҳон қилиниб, сараланди. Мактаб маъмуриятининг таъкидлашича, битирувчилар етуқлик шаҳодатномасини олиш билан бирга касб эгаллаб чиқишди.

БУ УЛКАНИНГ ГИЕҲЛАРИ ҲАМ ШИФОБАХШ

НАМАНГАН. Сомашко номидиги соғлиқни қайта тиниш ва физиотерапия табибати илмий-тадқиқот институтининг бўлими очилди.

БИР юз йигирма ўринли шифохонада юрак, нафас йўли, асаб касалликлари даволанади. Беморлар дори-дармондан ташқари ҳар хил шифобахш гиёҳлар, игна ҳамда кўш нурин билан ҳам муолажа қилинади.

БОРГА ҚАРАГАН ҚУРУҚ ҚОЛМАЙДИ

ҚУВАСОЙ ТУМАНИ. Қувасой туманининг Шарофат Обидова бошлиқ оилавий ижарачилари бу йил 1,3 гектар шафтолизордан 12 тоннадан зиёд ҳосил йилштириб олди. Ижарачининг айтишича ҳали босда ноз-наъमत бисир экан.

ЧЕТДАН СОТИБ ОЛИШГА ҲОЖАТ ЙУҚ

САМАРҚАНД. «Красный даг» таърифта ишлаб чиқариш бирлашмасида «Гав-33», «ЗИЛ-130» ва «Москвич» автомобилларининг поршеньлари таърифтланди.

ИЛГАРИ бу ехтиёт ишом киммат бўлишига қарамай Россия автомобил корхоналаридан харид қилинарди. Энди узоққа чопишга ҳожат қолмади. Поршеньлар таъмирлаш корхоналари бюртмасига мувофиқ ҳам ишлаб чиқарилади.

БИЧИҚЧИСИ КОМПЬЮТЕР

ОҚОЛТИН ТУМАНИ. «Коррект» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида бичувчи компьютерлар ўрнатилди.

ШУ пайтага қадар Италия юниси шимлари қўлда бичиларди. Бунга кўп вақт ишчи кучи сарфланарди. Энди узоққа корхонада меҳнат қилаётган юздан зиёд чевар кўчига маҳол бозори аъзодасига мос 1400 донадан зиёд шим тайерляпти.

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР

ВОКЕЛАЛАР

ЯНГИЛИКЛАР



ҲАР ПАҲЗА ВАТАН ИЧРА САФАР ҚИЛТУМДУР,

ЖАҲОНИЙ ТАРИҚАТ

Инглиз тасаввуфшуноси Ж. С. Триммингнинг ёзишча, Урта Осиёда тасаввуф ривожига кичик буюк сўфийнинг ҳиссаси кўп. Бир — Абдулҳасан Али ал-Хороқоний.

У киши милодий 1034 йили 80 ёшида вафот этган. Иккинчиси — Абу Али ал-Фармадий. Бу шайх милодий 1084 йили оламдан ўтган. Фармадийнинг икки шогирди тасаввуф оламида жуда машҳур. Биринчиси — Аҳмад ал-Ғаззолий (милодий 1122 йили вафот этган), иккинчиси — Юсуф Ҳамадоний (милодий 1049—1140). Кўп тариқат силсилалари ана шу икки шогирддан бошланади.

Юсуф Ҳамадоний Бухорода Турон замин соҳибони истеъдодларидан бир гуруҳига тасаввуфдан чуқур татлим берди. Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Абдуллоҳ Барроқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдуллоҳ Ғиждувонийлар Юсуф Ҳамадонийнинг тўрт забардаст халифаси эди. Биласиз, Хожа Аҳмад Яссавий — яссавия тариқатига асос солди, Хожа Абдуллоҳ Ғиждувоний дастлаб «хожагон», сўнг эса «нақшбандия» деб номланган тариқатни бошлаб берди.

Хожа Абдуллоҳ Ғиждувоний руҳларнинг Баҳоуддин Нақшбандга қандай тарбия бергани ҳақида матбуотда кўп ёзилди. Баҳоуддин силсилада ҳам бевосита Абдуллоҳ Ғиждувонийга бориб тақаллади. Абдуллоҳ Ғиждувонийнинг муриди Хожа Ориф Ревгардий, Хожа Ориф Ревгардийнинг муриди Хожа Ромитаний, Хожа Али Ромитанийнинг муриди Хожа Муҳаммад Бобой Самосий, Хожа Муҳаммад Бобой Самосийнинг муриди Сайид Амир Кулол, Сайид Амир Кулолнинг муриди Баҳоуддин Нақшбанд...

Муҳаммад Мусо ибн Хожа Исо Ҳабадиннинг «Катир ул-фавойид» рисо-ласида Абдуллоҳ Ғиждувонийга бўлган силсила ҳам бир-бир баён этилади. Шунинг учун тасаввуфдаги ҳар қандай тариқат қаби, нақшбандия ҳам ўз ғоялари, тартиб-қоидалари, одоблари ва қатъиятларини шакллантиришда жуда қадим ристалардан сув ичган. Аммо тариқатнинг бутун моҳиятини белгилаб турадиган мавжуд ўн бир қоида Юсуф Ҳамадоний, Абдуллоҳ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд тарафларидан асосланган.

Юсуф Ҳамадоний таъйин этган ширлар:

1. Хуш дар дам.
2. Назар бар қадам.
3. Сафар дар ватам.
4. Хилват дар анжуман.

Абдуллоҳ Ғиждувоний таъйин этган қоидалар:

1. (5). Едкард.
2. (6). Ёзағашт.
3. (7). Нигоҳдошт.
4. (8). Еддошт.

Бу саккиз қоидага Баҳоуддин Нақшбанд яна уч ширни қўшди:

1. (9). Вуқуфи замоний
2. (10). Вуқуфи ақдий
3. (11). Вуқуфи қалбий.

Бу ширлар кейинги бир-икки йил ичида чоп этилган кўп мақолалар ва рисолаларда шарҳланди учун бу ерда уларга махсус тўхтаб ўтирмаймиз. Бу ерда шунингча айтиш кераки, мазкур ширлар, аслида, солиқларнинг экир тушиш маҳали амал қилиши лозим бўлган қоидалар. Аммо уларнинг яна қанчадан қанча рамзий, тасаввуфий, ҳаётий маънолари бор.

Умуман, нақшбандия моҳиятини тариқатнинг «Дил — ба ёруш, даст — ба қор» ширини очиб берди. Бу — қаст-қийл Хулдода бўлин-у, қўл ишда, деган маънони билдиради. Мавжуд ўн бир ширнинг кўпи ҳам моҳиятан ана шу бош ақидадан келиб чиқади. Бу қоидаларга амал қилиш солиқнинг экир маҳали ўз руҳини назорат қилиб, мақсадга йўналтириб туриш учун зарур. Демак, ширларнинг тор маъносигина экир тушиш билан боглик. Бу ақидаларнинг ҳар бири яна шундай кенг маъноларга ҳам эгаки, суфий нафақат экир пайти-дагина, умуман, умри давомида уларга риоя этиб бориши зарур. Бу даъво исботи алоҳида тадқиқот талаб қилади. Бунга кейинги қолдириб, ҳозир нақшбандиянинг бош ширини ҳақида икки оғиз айтиб ўтсак.

Нақшбандия ўзидан олдинги тариқатлардан бевосита ҳаётга ақинчили билан ажралиб туради. Айтиш мумкинки, нақшбандия тасаввуфдаги илгариги ўта қатъий оқинини бир оз қўмшатади, му-тадиллаштиради. Чунки нақшбандия бе-восита касбу кор кишиларга — ша-харликлар, ҳунармандлар, эътилолар, ўтқоқ ҳолда кун кечирётган деҳқон-ларга мўлжалланган эди. Бундай иш одамлари эса тирикчиликларидан воз кечиб, тариқат билангина машғул бўл-салар, уларга ҳеч ким ўз-ўзидан бир бурда нон келтириб бермас эди.

Тасаввуфдаги кўп тариқатлар тар-тиб-қоидага кўра, экир тушиш жа-моа бўлиб, баланд овоз, яъни жаҳрия усули билан амалга оширилади. Баъ-зи тариқатларда экир тушишнинг са-моъ усули ҳам бўлган. Бунда муайян куйга ҳамоҳанг кўшиқ айтиб экир ту-шилади. Нақшбандияда экир жаҳрия ҳам, экир самоъ ҳам йўқ. Нақшбанд-иянинг ҳаётга ақинчилигини да-дил бўлуви, жиҳатлардан бири шунки, бу тариқат қоидага биноан, ёлғиз ва ҳатто ботинан, яъни овоз чинармай, бировга билдирмай экир тушиш мум-кин.

Умуман, нақшбандия тариқатининг ана шундай очiq таркидунёчилик қил-май, демаски, бу дунё ишларида ош-кор қўл силкимай туриб ҳам Оллоҳга етиш мумкинлигини кўрсатиб берган-лиги мусулмон оламида тасаввуфнинг жуда кенг аҳоли қатламлари ичига

кириб боришини таъминлади. Баҳоуд-дин Нақшбанд даврларидан бошлаб бу тариқатнинг мавқеи кўтарилгандан кўтарилиб бораверди.

Нақшбандия тариқатининг кейинча-лик, яъни XV асрда кучли давом эт-тирган машҳур шайхлардан бири — Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий. Ул зотнинг теурийлар салтанатидаги ма-вқеи ҳам бу тариқатнинг янада омма-вийлашиб кетишига сабаб бўлди. Бу аср нақшбандия шайхлари ҳақида Али ал-Кошфиёй ўз даврида «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» номли махсус китоб битди. Тасаввуф адабиётининг икки йирин ва-кили — Абдурахмон Жомий ҳамда Алишер Навоий ҳам бевосита нақш-бандия тариқатининг вакиллари эди-лар.

Ҳозир ҳам юртимизнинг турли бур-чақларига нақшбандия тариқатига ма-суб кишилар, хусусан, уларнинг фар-зандлари яшайди. Нақшбандия тариқати-нинг XIX асрдаги энг йирик намоянда-си — ургутлик Муҳиддин ҳожи ҳаёт-лари билан боглик ҳужжатлар рус шарҳунослигида кўп эълон қилинган. Муҳиддин ҳожининг ўғиллари Кўт-биддин эшоним кимсан — Гафур Кў-ломдек шоир замон ўзига пир, ўзини эса ул зотга мурид санаган эди. Кўт-биддин эшон зукко шарҳуноси, фило-логия фанлари номзоди эдилар, тожик тилининг изохли лугати ҳисобланмиш «Фарҳанги забони тожикий» икки жилдигини, шунингдек, «Алишер На-воий асарлари тилининг изохли луга-ти» тўрт жилдигини тузишда фаол иштирок этдилар. У кишининг ўғилла-ри — навоийшунос, филология фанла-ри номзоди, доцент Муслиҳиддин Му-ҳиддинов Самарқанд давлат дорилфу-нунида мумтоз адабиётдан татлим бо-радилар. Кўтбиддин эшоннинг жиянла-ри — доцент Исҳоқхон Носиров ама-килари касбини давом эттиратган на-воийшунос-лугатшунос. Кўтбиддин эшоннинг неваралари — Абдували Кўт-биддин бутунга сеvimли шоирларимиз-дан бири.

Гарчи Баҳоуддин Нақшбанд ҳеч бир ҳукмдорга ҳушонад қилмаган бўлсалар ҳам, у кишининг, умуман нақшбандия шайхларининг амир аъёнлар орасида ҳам обрўлари баланд бўлган. Теурий-зодаларнинг деярли бари ана шу тари-қат шайхларига мурид тушганлар.

Р. Тилдобоевнинг тарихий матълумот-ларига таъйин ёзишга кўра, маврит сулоласига мансуб Бухоро амирлари тахтга ўтиришларидан олдин албатта Баҳоуддин Нақшбанд қадрларини зиёрат қилиб келишган. Бухородан сафарга чиқаётганларида Баҳоуддин даъма-ларини экират қилиб, сўнг йўлга ола-нишар, Сафардан қайтганда ҳам ав-вал Баҳоуддин қадрларини экират қи-либ, кейин Аркка кўлига қўйишган. Хатто Амир Насруллоҳ Баҳоидирхон ҳафтада бир бор Аркдан Баҳоуддин қадрларига пиёда экиратга бориб, йёв қайтган. Амир Абдулазизхон эса мило-дий 1544 йили Баҳоуддин Нақшбанд мақбаралари ёнида улкан бир хонақоҳ қурдири.

Нақшбандия Кичик Осиё ва Кавказ-да, хусусан, Қўрғистонда, Афғонистон, Эрон, Покистон ва Хиндистонда, Тур-кида кенг тарқалган борди. Ҳозир та-лай мусулмон мамлакатларида бу тари-қат жуда катта мавқега эга. Хатто Покистоннинг Лаҳор шаҳрида нақшбанд тариқатининг жаҳон маркази ма-вжуд. 1992 йилнинг ёзида ана шу нақш-бандия жаҳон марказининг раҳбари, мазкур тариқатнинг ҳозирги улўг пир-ларидан бири, Покистоннинг йиринк жамоат ароси ва диний уламоси Зу-лфиқор Аҳмад Нақшбандий Ўзбекисто-нимизга ташриф буюрди. «Ишончим комилки, — дейди Зулфиқор Аҳмад, — нақшбандия дарахтининг сояси бутун дунёни тутайди».


Муфтий Муҳторжон ҳожи Абдуллоҳ Баҳоуддин Нақшбанд масжиди жоме-ининг имом хатиби бўлиб турган ма-ҳалларида Туркияга борган эдилар. Туркиянинг ўша пайтдаги Президенти марҳум Тургут Ўзол у киши билан суҳбатда: «Мен ҳам ҳазрати Нақш-банднинг йўлидаман, ота-боболарим ҳам мана шу йўлда, шу сулуқда», — деган эди.

Ҳа, нақшбандия жаҳоний шуҳратга эга. Баҳоуддин Нақшбанд ва у киши ижтисога етказган нақшбандия сулу-ки, бу тариқат пирлари ҳақида жаҳон илмида жилд-жилд китоблар битилган. Биргина Алишер Навоий асарларида нақшбандия таълимотининг қанчада қанча талқинлари бор, бевосита Баҳо-уддин Нақшбанд ҳаётларини аъмоллари билан боглик не чоғлик мулоҳазаю му-ҳомаю матълумотлар мавжуд.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотлари-нинг аҳамиятини фақат унинг тарих-даги ўрни билангина чеклаш яра-майди. Энг муҳими, бу тариқат гоъла-ри бутун учун, ҳозирги кишилар маъ-навий камолти учун, демаски, келажак учун ҳам жуда керак. Ж. С. Тримминг эътиборидек, тасаввуф жумладан, нақшбандия фалсафаси «бундай оғуш ҳам инсониятнинг маънавий баркамол-лиги учун муҳим ҳаётий таълимот бў-либ қолаверди».

Бу таълимотнинг маданиятимиз, мил-лий маънавиятимиз тарихидаги ўрнини илмий таъйин этишда, уни халқимиз руҳию қалбига олиб киришда, ишро-оллоҳ, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратла-рининг ва бошқа пир киимларимиз-нинг руҳи покларини мададкор бўлғай!

Султонмурод ОЛИМ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Али-шер Навоий номидаги Адабиёт ис-титуту катта илмий ходими, филоло-гия фанлари номзоди.



ХУШ КЕЛИБСИЗ, АЗИЗ МЕҲМОНЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

таъмирлаш ишларига рухсат бермадилар. Аммо Бухоронинг қўли гул усталари ота-боболари-римизнинг меъморий услубла-рини ҳар томонлама ўрганиб ва ўз ишларида қўллаб, хона-қоҳнинг баланд гумбазини, деворларни тиклашга му-ваффақ бўлдилар. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанднинг она-лари қабри жойлашган Қасри Орифон қишлоғида ҳам катта таъмирлаш ишлари олиб бо-рилди. Меъморий комплексга кириш жойида катта нақшш-кор дарвозалар ўрнатилди. Аллома ҳаёти ва таълимоти ҳақида ҳикоя қилувчи музей ташкил этилди. Янги савдо растаси, ошхона, меҳмонхона ва бошқа бинолар қурилди, водопровод ва газ тармоқлари ётқизилди, йўллар раволаш-тирилди. Биз бухоролик усталар билан бир сафда туриб меҳнат қилган Хоразм, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва бошқа вилоятлардан кел-ган таъмирловчиларга ҳам та-шаккур айтамыз. Чунки улар-нинг ҳиммати, ғайрати билан илгари вайрона ҳолидаги тар-ихий комплекс қайта санъат обидасига, қутлуг экиратгоҳ-га айланди.

Биз республика Бош вази-рининг ўринбосари М. Қ. Қорабоев раислигидаги юби-лей комиссияси аъзоларига

алоҳида миннатдорчилик бил-дирамыз. Чунки бу комиссия-нинг сайё-ҳаракатлари билан кўпгина ибратли ишлар амал-га оширилиб, аллома ҳақида ўнлаб китоблар нашр этилди, илмий анжуманлар ўтказил-ди, кинофильмлар суратга олинди, кўргазмалар ташкил этилди, махсус эсдалик сов-галари чиқарилди.

Бухоролик шоир ва олим Садриддин Салимовнинг «Дил-да ёр», «Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир», Пўлат Зоҳидов-нинг «Хожа Баҳоуддин Нақш-банд меъморий ҳазира» ки-нофильмлари ва бошқа асарлар, буклетлар шулар жумласи-дандир.

Вилоятимиздаги «Бухоро» нашриётида ҳам бир қатор китоблар чоп этилди. Озиқ-ов-қат ва енгил саноат техноло-гияси институтини ҳузуридаги «Навқирон Бухоро» гуманитар тадқиқотлар маркази низрга тайёрлаган Абдурахмон Жо-мийнинг «Нафахотул-унс» («Қувончли тўхфалар»), Фа-хриддин Али Сафийнинг «Ра-шаҳоту айни ҳаёт» («Ҳаёт чашмасидан томчилар») асар-лари ва бошқалар.

Энди бевосита анжуман ку-ни ўтказиладиган тадбирларга тўхталадиган бўлсак, тантана-лар дастури гоът қизиқарли тузилган. Баҳоуддин Нақш-банд таваллудининг 675 йил-лигига бағишлаб курашнинг

бухороча усули бўйича халқа-ро турнир ўтказилади. Меҳ-монлар аллома таваллуд то-пан ва дафн этилган жойлар-ни зиёрат қиладилар. Аллома-нинг мақбараси жойлашган масжидда Жума намозида, шунингдек музейнинг очилиш маросимида қатнашадилар. Ибн Сино номдаги маданият саройида юбилейга бағишлан-ган тантанали кеча ва байрам концерти бўлади. Вилоят ҳо-кимлигида аллома ҳаёти ва таълимотига бағишланган ил-мий анжуман ўтказилиб, унда республикамиз, вилоятимиз ва чет эл олимлари маърузалари тингланади. Меҳмонлар Абду-ҳолиқ Ғиждувоний ватанида бўлиб, унинг мақбарасини зиё-рат қиладилар.

Нақшбанд тўйи бухоролик-ларга ҳар жиҳатдан қутлуг келди. Дамхўжа-Навоий-Бу-хоро сув қувури қурилишини тугатиб, вилоятимиз маркази-га Самарқанднинг зилот суви-ни олиб келишга ваъда берган бунёдкорларимиз ўз сўзлари-нинг устидан чиқдилар. Рес-публикамиз раҳбарияти, шах-сан Президентимиз Ислам Ка-римовнинг ғамхўрликлари ту-файли халқимизнинг тоза ичимлик суви ҳақидаги асрий орузи ушалди — Бухорога Дамхўжа суви келди. Яхши-лар хосияти шу бўлса керак!

Улуғ бобокалонимизнинг табаррук тўйларига жонажон Ўзбекистонимизнинг барча ви-лоятларидан, Мустақил Дав-латлар Ҳамдўстлиги мамла-катларидан ва чет эллардан ташриф буюрган меҳмонларга «Бухоро! Шарифга хуш кел-дингиз!» деймиз.

ЭЪТИРОФ

Агар ер юзиде Хожа Аб-дуллоҳлик (яъни Ғиждувоний) фарзандларидин (яъни шогирдларидан) бири бўлса эрди, Мансур (яъни Ҳа-лол) ҳаргиз дор остига бормағай эрди.

Хожа Али Ромитаний.

Бу навъ осори валоят (яъни бундай авлиёлик кў-риниши) ҳазрати Хожада (яъни Баҳоуддин Нақшбанд-да) Тангри тасло инотидин воқеъ бўлбур, тариқат машоихига мутааххирлардин (яъни кейинги асрларда ўт-ган шайхлардан) ҳеч кимга бўлмайду.

Шайх МАВЛОНО
ЖАЛОЛИДДИН ХОЛИДИЙ

Ва сўнгралар ҳазрати Хожага (яъни Убайдуллоҳ Аҳрор Валийга) онча мукнат (яъни давлат, бойлик) даст бердики, маълум эмаски, машоихдин ҳеч кимга ул даст берибтур ё йўқ. Мулки-ка ажаб истило ва салотин ва мулука ғориб ишроф. Мовароуннаҳр салотини ўз-ларин аларнинг муридзодал-лари ва маҳкуми ҳукми тв-тарлар эрди. Йўқки, ёлғуз Мовароуннаҳр салотини, балки Хуросон ва Ироқ ва

Озарбойжон, ҳаттоки, бир соридин Рум ва Мисрача ва бир соридин Хито ва Хиндгача барча мулк ва салотин ўзларин Хожанинг маҳкуми ҳукми ва маъмури фармони тутарлар эрди ва бир руқъаларин бу салотин-га очна муассир эрдиким, аларнинг аҳкоми ўз худдо-мига бўлмағай ва ҳазрати Хожага зоҳир жамъияти барча абнойи замондин кўпран воқеъ эрди.

Алишер Навоий («Насо-йим ул-муҳаббат...» дам)

Мусулмончилик нуқтаи назаридан Баҳоуддин Нақш-банд туркларнинг сунна (яъни пайғамбаримиз Му-ҳаммад алайҳи-с-саломдан қолган анъаналар) билан алоқасини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутайди.

Жон Спенсер Триммингэм (Англия).

Мен ҳазрати Нақшбанд-нинг йўлидаман, ота-бобо-ларим ҳам мана шу йўлда, шу сулуқда.

Тургут Ўзол (Туркия).

Ишопчим комилки, нақш-бандия дарахтининг сояси бутун дунёни тутайди.

Зулфиқор Аҳмад Нақш-бандий, Нақшбандия тариқ-ати жаҳон марказининг раис (Покистон).

СИЛСИЛАЙИ ШАРИФ

1. Сайид Кокиот ҳазра-ти Муҳаммад Мустафо сал-лоллоху алайҳи ва саллам.
2. Ҳазрати Абу Бакир Сид-дик.
3. Ҳазрати Салмон Фор-сий.
4. Ҳазрати Қосим ибн Муҳаммад.
5. Ҳазрати Жаъфар Со-дик.
6. Ҳазрати Бозид Васто-ний.
7. Ҳазрати Абул Ҳасан Хороқоний.
8. Ҳазрати Абу Али ал-Фармадий.
9. Ҳазрати Юсуф Ҳама-доний.
10. Ҳазрати Абдуллоҳ Ғиждувоний.
11. Ҳазрати Ориф ар-Ревгарий.
12. Ҳазрати Маҳмуд Ан-жир ал-Ғафғаний.
13. Ҳазрати Али ар-Ро-митаний.
14. Ҳазрати Муҳаммад Бобой Самосий.
15. Ҳазрати мир Кулол.
16. Ҳазрати Шоҳи Нақш-банд Баҳоуддин ал-Бухорий.
17. Ҳазрати Алоуддин Аттот.
18. Ҳазрати Яъқуб ал-Чархий.
19. Ҳазрати Убайдуллоҳ Аҳрор.
20. Ҳазрати Муҳаммад Зоҳид.
21. Ҳазрати Муҳаммад Дарвеш.
22. Ҳазрати Хожайн ал-Имганакий.
23. Ҳазрати Муҳаммад Боқий.
24. Ҳазрати Имом Раббо-ний Муҳаммад алфи соний Аҳмад Фаррух ас-Сарҳин-дий.
25. Ҳазрати Муҳаммад Маъсум.
26. Ҳазрати Шайх Сай-фидгани.
27. Ҳазрати Сайид Нур Муҳаммад ал-Вадоний.
28. Ҳазрати Шамсиддин Жоми Жонон Маъзар.
29. Ҳазрати Шайх Абду-лоҳ ад-Деҳлавий.
30. Ҳазрати Мавлоно Эне-уддин Халид ал-Бағдодий.
31. Ҳазрати Аҳмад ибн Сулаймон Халид Ҳасан ас-Сомий.
32. Ҳазрати Аҳмад Эне-уддин ал-Қумушханадий.
33. Ҳазрати Ҳасан Хил-мий ал-Кастамоний.
34. Ҳазрати Исмоил На-жотий ас-Сағфираболлий.
35. Ҳазрати Умар Эне-уддин ал-Доғистоний.
36. Ҳазрати Мустафо Файзий ибн Амруллоҳ ат-Такфурдоғий.
37. Ҳазрати Ҳасиб аш-Шерозий.
38. Ҳазрати Абдулазиз ал-Қосоний.
39. Ҳазрати Муҳаммад Зоҳир ибн Иброҳим ал-Бурсоний.

Бу силсилаи шариф Сад-риддин Салим Бухорийнинг «Дилда ёр» (1993) китоби-дан олинди.

Жаҳон 24 соат ичида

АҚШ ҚИРГЎЗИСТОН ДАГИ ИСЛОХОТНИ ҚУВВATЛАЙДИ

АҚШнинг МДХдаги алоҳида масалалар бўйича элчиси, АҚШ давлат котибининг махсус маслаҳатчиси Строби Тэлботт «Биз Қирғизистон Президентини Аскар Азизов ислохоти ва сўзсизлик қатъий ва оғишмаси қўллаб-қувватлаймиз», деди. У 12 сентябрь кунги АҚШ ҳукумати ва Президент Билл Клинтон маъмурияти вакиллари билан бирга Қирғизистондаги иқтисодий ва сўзсизлик ислохот билан танишди.

ШВЕЦИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ФИКРИ

Швеция Бош вазири К. Вилдт Дания консерватив халқ партиясининг Коненга-генда бўлиб ўтган съездида «Рус ҳарбий кучларининг Волга бўйи мамлакатларида турлишар оқлаётгани бирор бир сабаб йўқ» деб айтди. У Шимолий Европа мамлакатларининг Волга бўйи мамлакатларининг сўзсизлик қўллаб-қувватлашга қарши. Унинг таъкидлашича, Россиядаги шиллатчи ва коммунистлар кучлар Европа оқолишга ҳаф тугдирди.

ЯДРО СИНОВЛАРИ БОШЛАНИШИ МУМКИН

Франция мулофаз вазири Ф. Леотар агар ҳукумат экспертлар комиссияси Франция ядровий кучларини зарур ҳолатда келтириш учун ядро синовларини бошлашни лозим деб топса, «жаҳондаги умумий сўзсизлик қатъий» Франция бу ядро синовларини бошлашни таъкидлади.

ДЕХЛИДАГИ ВОҚЕАЛАР

Утган шаба кунги Деҳлида Хиндустон миллий конгресси билан ташкилот қароргоҳи олдига террорчилар кучли бомба портлатдилар. Портлаш натижасида саккиз киши ҳалок бўлди, қариб 30 киши жараланди.

Шу муносабат билан шаҳар полицияси террорчилар ҳаракатлари ташкилотчиларни ҳақиқат хабар беришга 500 минг рубий мукофот берилгани эълон қилди. Полиция иккитини содир этишда гумон қилинганларни қўлга олишга қарор қилди. Деҳлида таъкидланди.

ЭЛЧИ ҚАВУЛ ҚИЛИНДИ

Россия Федерацияси Олий Кенгашининг Равис Руслан Хасбулатов думаша кунги Сурия Араб Республикасининг Россиядаги фахруллоҳи ва мухтор элчисини қабул қилди. Парламент матбуот хизматида хабар қилинганда, суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида парламентларо алоқаларини ривожлантириш ва руҳий алоҳида таъкидланди.

ТУЗАТИШ

Қозғоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчиси ишчи брлигини топшириш ҳақидаги 13 сентябрда эълон қилинган хабар қўйидагича ўқилсин: Қозғоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фахруллоҳи ва мухтор элчиси Батриша-Ули Сайлау. Ўзбекистон Республикасининг Тошкент шаҳридаги элчилик матбуот шўъбаси.

ХАЛҚАРО КУТУБХОНА ОЧИЛДИ

13 сентябрь кунги Тошкентда «Мустақиллик» деб номланган халқаро кутубхона тантанали суратда очилди. «Марказий осийга бегараз ёрдам» халқаро жамоат ташкилоти томонидан таъсис этилган бу кутубхона Чорсудаги республика чет тилларини ўргатиш марказида жойлашган.

Кутубхонанинг очилиш маросимида «сўзлаган жаҳон тиллари университети» ректори Ж. Буранов, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. Абдуллаев, Американинг Ўзбекистондаги фахруллоҳи ва мухтор элчиси Г. Кларк, ана шу кутубхонанинг ташкилотчиларидан бири, профессор Д. Вестон тил ўрганишнинг аҳамияти, бу борада халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик самараларини, — Кутубхонамида 20

ешларда китобга меҳр уйғотиш хусусида сўзлашди. Шундан сўнг меҳмонлар кутубхона билан танишди. Бу ерда филология, тарих, фалсафа, география, тилшунослик ва бошқа ўнлаб соҳаларга оид китоблар бор. Алоҳида хонада тил ўрганишга қўмаклашувчи компьютер ва видеоускуналар ўрнатилган. Биз кутубхона мудирини Фелсити Тимки билан сўзлашдик.

(Ғ.А.)



ҚИЗИМ СЕНГА АЙТАМАН...

А. ТУРАЕВ олган сурат.

● ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

КУМУШБИБИ ЁДИ...

Мустақил жумҳуриятимиз ижод аҳли, кўп сонли кутубхоналар халқимизнинг секинли адби Абдулла Қодирийнинг 100 йиллик юбилейига тайёргарликни кўчи бошлаб юбордилар. Фароналиклар ҳам бу катта тантанани ўзига хос тайёргарлик кўришмоқда.

Вилоят ҳокимининг қарорига биноан юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказувчи ташкилий кўмита тўзилди. Гурӯҳга раҳбарлик қилишни вилоят ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати, таъкили ижодкор ва публицист Мирзажон Исомов ўз зиммасига олди.

Таваллуд тадбирига юзасидан белгиланган тадбирлар хилма-хил ва мазмунан жуда бой. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида адби хотирасига бағишланган адабий-бадний кечалар, ижодий учрашувлар, илмий-

амалий анжуманлар ўтказиш кўзда тутилган.

Айниқса, Кумушбиби вагани — Марғилонда тантаналарга алоҳида эътибор ва нуфуз билан тайёргарлик кўришмоқда. Шаҳардаги маҳаллаларда атоқли адби ҳаёти, ижоди ҳақида суҳбатлар ўтказилди, «Отабек Марғилонда» деб номланган адабий-бадний композиция ташкил этилади. Улуғ Ёзувчининг номини абадийлаштириш борасида ҳам қатор тадбирлар белгиланган: Фарона шаҳридаги ҳибонлардан бирига Қодирий номини бериш ва у ерга адби

бюстини ўрнатиш кўзда тутилмоқда. Вилоятдаги ўрта мактаб, жамоа ҳужалити ҳақида кинотеатрлардан бирига секинли ижодкор номини бериш ҳам мақсад қилиб қўйилган.

Фарона давлат дорилфунуни ва Қўзон давлат педагогика олийгоҳида адби ижоди бағишланган илмий-оммабоп тўплам нашрга тайёрланди. Бу билим даргоҳларининг аниқ эълони ва ижодкор талабаларига А. Қодирий номиди стипендиялар жорий этилади.

Фароналиклар Отабек ва Кумушбиби ёдига эҳтиром бажо келтириб, Абдулла Қодирий сиймосига доимо таъзим қиладилар.

Набижон СОВИР,
«Халқ сўзи»нинг ўз мухбири.

● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

ПРЕЗИДЕНТ КУВОГИ УЧУН ТУРНИР

КЕМИНГИ йилларда теннис жаҳон майдонида оммавийлик жихатдан спорт турлари ичида юқори поғонага кўтарилди. Жаҳон аҳли халқаро майдонлардаги теннис турнирларини диққат билан кузатиб бормоқда. Шундай халқаро миқёсдаги йирик теннис мусобақаси бизнинг ўлкада ҳам ўтказилиши қувонарлидир.

Яқинда Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамаси Президент кубоги учун халқаро теннис турнири ўтказиш ҳақида фармойиш берди. Турнирни юқори савияда уюштириш ва ўтказиш учун таъкилий кўмита тўзилди. У 10 кун муҳлат ичида турнирга тайёргарлик юзасидан таш-

килий тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиб, республика ҳукуматига тақдим этиди.

КУТИЛГАН ВА КУТИЛМАГАН НАТИЖАЛАР

ШОҲМОТ тожи учун баҳслар авжига чиқди. Лондонда Гарри Каспаров Навджел Шорт устидан яна галаба қозонди. Ҳозирча бу учрашува Каспаров 2,5-0,5 ҳисобида олдинда борапти. Нидерландияда эса кутилмаган натижалар қийд этилди. Маълумки, бу беллашува мутахассислар Анатолий Карповнинг осонгина галаба қозонишини эътироф этишган эди. Бироқ мезбон — Ян Тимман маҳорат билан дона суриб, ўртадаги тенгликни сақлаб келди. Бу ерда томонлар бир мартадан галаба қозонишга, кейинги уч партия дуранг билан тугади. Ҳисоб — 2,5-2,5.

Р. ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Средазкабель" АПО қошидаги
"ИНТЕРФЕЙС"
кичик корхонаси

қуйидаги хизматларни қисқа муддатда ва сифатли бажариб беради:

1. Шахсий ЭХМларда Автоматик Иш Жойларини лойиҳалаш ва фойдаланишга топшириш:

- меҳнат ва иш ҳақини ҳисоблаш;
- жўнатилган ва сотилган маҳсулотларни ҳисоблаш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳисоблаш;
- кабел маҳсулотларига харажатларнинг калькуляцияси;
- асосий маблағларнинг ҳисоби;
- тайёр маҳсулотларнинг ҳисоби;
- моддий бойликларнинг ҳисоби;
- ходимларнинг касаллигини ҳисоблаш;
- маҳсулотларнинг режадаги ва факт бўйича чиқарилишининг конструкцион нормалари бўйича материаллар истеъмоли ҳисоби;
- болалар нафақаларининг ҳисоби;
- бош директор, бош директор ўринбосари, техник котибининг АИЖлари



2. Юқорида кўрсатилган АИЖларни ишлатиш ва ҳар қандай шахсий АИЖларни ишлаб чиқиш.

3. Шахсий ЭХМларга техник хизмат кўрсатиш, калькуляторлар ва ёзув машиналарнинг ремонти.

4. Шахсий ЭХМлар учун химоя фильтрали, IBM PS/AT шахсий ЭХМлари базасидаги АИЖларни ва бошқа ишлатиладиган материалларни етказиш.

5. "ЛОЛА" ўйинли шахсий компьютерларни етказиб бериш.

Алоқа учун телефонлар, телетайп, факс ва манзилимиз:

Манзилимиз: 700041, Тошкент шаҳри, Ф. Ҳужаев кўчаси 2, "Интерфейс"

"Средазкабель" бирлашмаси қошида "Интерфейс" кичик корхонаси.

Телефонлар: 62-53-50, 69-97-76.

Факс: 623563.

Телетайп: 336258 БРОНЬ

Биз билан ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз.

Буюртмаларини тез ва сифатли бажаришга қафолат берамиз.

Ўзбекистон Республикаси

Ташқи иқтисодий фаолият

Миллий Банки

қуйидаги бўш лавозимларга танлов
эълон қилади

- стратегик изланишлар бўлимига етакчи мутахассис - иқтисод фанлари номзоди, ўзбек тили, рус ва инглиз/немис, француз/тиллари билиши, шахсий компьютер билан ишлай олиши керак;
- стратегик изланишлар бўлимига иккинчи даражали мутахассис - ўзбек тили, рус ва инглиз/немис, француз/тиллари билиши, иқтисодий фанлар, молия ва кредит соҳасида олий маълумотга эга бўлиши, шахсий компьютердан фойдалана олиши керак.

Аризалар билан /шахсий варақа/

Миллий банкнинг

ходимлар бўлимига ҳар кун

соат 9.00 дан 12.00 гача мурожаат қилиш мумкин.

Маълумот учун телефон - 33-79-48.

КОРХОНАЛАР, КООПЕРАТИВЛАР, ТИЖОРAT ФИРМАЛАРИ, КИЧИК ВА ҚУШМА КОРХОНАЛАР РАҲБАРАЛИ ВА ҲАММАНИНГ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар шартнома савдосининг ишлаб чиқариш-тижорат маркази Тошкент шартномасавдосининг тижорат-ахборот маркази билан бирликлда Сизни худудий улгуржи-саноат ярмаркасида иштирок этишга таклиф қилади. Ярмарка 1993 йил 22-23 сентябр кунлари Тошкент шаҳар шартнома савдосининг ишлаб чиқариш-тижорат марказида ўтказилади.

Манзилимиз: Шмидт кўчаси, 6-уй. ("Океан" магазини яқинида).

Телефонлар:

54-65-17, 54-65-20, 54-65-21, 54-65-32.

Хурматли Ўзбекистон фуқаролари!

"Хотамтой XXI аср" масъулияти чекланган жамият ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Наврўз" хайрия жамғармаси "Меҳрибонлик" лотереясининг тиражи маълум сабабларга кўра шу йилнинг 31 октябр кунига қўйрилганлигини маълум қилади ва шу муносабати билан Сизлардан уэр сурайди.

«Ўшартномасавдо» уюшмаси жамоаси кадрлар бўлимининг бошлиғи Ш. Е. Исмоиловга унаси Шодифер ИСМОИЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Ўзбекистон телерадиоконпанияси жамоаси республика радиоси ходимаси М. Салимовга ўғли Носиржон САЛИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.	Ўзбекистон давлат кинематографии концерни жамоаси капитал курилиш бошқармасининг етакчи мутахассиси Абдулмалик ҒОФИРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.	Тошкент давлат университети ректорати, ўзбек филологияси факультети деканати, таъбиий факультетлар ўзбек тили кафедраси жамоалари шу кафедра ўқитувчиси Муҳаббат УСМОНОВнинг бевақт вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оила аъзолари ва ақилларига чуқур ҳамдардлиқ изҳор этади.
--	--	--	---

ХАЛҚ СЎЗИ

НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64808.



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати
ва Ўзбекистон Республикаси
Вазирилар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эскерган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миримал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Леа ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯХШЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОВЕВ, Саидхон ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 10-уй.

Набатчи муҳаррир —
Ж. Сафоев, набатчи —
Р. Эшмуродов.